



2020 у « 29 » апрель

№ К-895

« ____ » 20 ____ г

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси
Давлат бюджетининг барқарорлигини
таъминлаш мақсадида Шўрчи туман маҳаллий
бюджетларидан мақбуллаштириладиган
харажатларни тасдиқлаш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вактида молиялаштириш чоратадбирлари түғрисида” 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон карори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон карори ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги К-179-сонли карори ижросини таъминлаш мақсадида.

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллантириши бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон карори билан вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, меҳрибонлик уйларидан ҳамда меҳнатга ҳак тўлашнинг 1-3 разрядлари кўпланиладиган ходимлардан ташқари) ишлайдиган ходимларга 2020 йил 16 апрелдан 1 октябрга қадар моддий рағбатлантириш маҳсус жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида ҳамда ижтимоий ва ишлаб чикариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган харажатларни мақбуллантириши;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари харажатларини мақбуллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2020 йил II чораги учун режалаштирилган харажатларни 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги маълумот учун қабул килинсин.

2. Туман маҳаллий бюджетидан макбуллаштириладиган харажатлар иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Халқ депутатлари туман Кенгашига иловага мувофиқ иқтисод килинган маблағларни маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозининг бажарилмаган кисмини коплашга йўналтириш тавсия килинсан.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлими (А.Қувондиков) тегишли давлат бошкаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан биргаликда барча бюджет ташкилотларида (тиббиёт ва тиббий-ижтимоий муассасалари ҳамда меҳрибонлик уйларидан ташқари):

асосий воситаларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йилнинг 1 июлига кадар тўхтатиш (молиялаштириш бошланган чора-тадбирлар бундан мустасно) ва ушбу мақсадлар учун II чоракда режалаштирилган маблағларни кискартириш ёки 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш;

коммунал хизматлар, озик-овқат, қофоз ва бошқа канцелярия товарлари харид қилиш, тадбирлар ўтказиш, жорий таъмирлаш ва бошқа харажатларни кискартириш чораларини кўрсинг.

5. Туман иқтисодий тараккиёт ва камбағалликни кискартириш бўлими (Т.Култўраев) тегишили ташкилот ва идоралар ҳамда туман ҳокимлиги билан биргаликда макбуллаштирилган маблағлар ҳисобига 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридан чиқариладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, бир кун муддатда вилоят иқтисодий тараккиёт ва камбағалликни кискартириш бош бошкармасига киритсан.

4. Мазкур карор “Жараён” газетасида расмий эълон килинсан ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсан.

6. Мазкур карор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни кискартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ж.Норкулов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Б.Худойберганов